Куч — адолатда

2011 йил,
13 октябрь,
пайшанба
№ 39-40 (346)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.supcourt.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ОЗОД ВАТАННИНГ ОБОД МАНЗИЛЛАРИ

Мамлакатимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларига, шаҳар ва қишлоқларимизнинг бетакрор қиёфасига, янгидан бунёд этилган замонавий таълим ва тиббиёт муассасаларига, равон йўллару сўлим хиёбонларга, юртдошларимизнинг ҳаётидаги, онгу тафаккуридаги ўзгаришларга назар ташлар эканмиз, кўнглимиздан шу юрт фарзанди эканимиз, тинч ва фаровон диёрда яшаш ва меҳнат қилиш бахти насиб этганидан мамнунлик, шукроналик ҳислари кечади.

Президентимиз раҳнамолигида барча соҳалар қатори маънавият соҳасига қаратилаётган юксак эътибор самарасида юртдошларимиз ўртасидаги меҳр-оқибат, маҳаллаларимиздаги тотувлик, аҳиллик каби чин инсоний муносабатлар кучайиб бормоқда. Шаҳар ва қишлоқларимиз ободлиги, одамларнинг турмуш шароити яхшиланиши соғлом турмуш тарзини ташкил этиш, ёш авлодни кенг дунёқарашга эга, илм-маърифатли бўлиб вояга етиши учун замин яратмоқда.

Бу борада Андижон вилоятида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Азму шижоати баланд андижонликлар Ватанга муҳаббат, ишонч ва масъуллик ҳисси билан олий мақсадларни кўзлаб меҳнат қилмоқдалар.

Президентимиз шу йил 30 сентябрь — 1октябрь кунлари Андижонга сафари чоғида вилоят аҳлининг турмуш шароити, аҳолининг кайфияти ва истаклари билан қизиқди. Андижон туманининг "Хортум" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Ўрикзор маҳалласида намунавий лойиҳалар асосида қуриб битказилган уйларни бориб кўрди.

— Президентимизнинг маҳалламизга ташрифи, самимий тилаклари, бизга билдирган ишончи қалбимизга чексиз ғурур бағишлади, — дейди маҳалла фаоли Шарифа Отабоева. — Маҳалла аҳли йиғилиб, Юртбошимизнинг кўрсатмалари асосида келгусида амалга оширишимиз лозим бўлган ишларни белгилаб олдик. Асосий кўчамиз "Камолот" деб номланар экан, шунга муносиб тарзда ёшларимиз комил инсонлар бўлиб вояга етишлари, Президентимизнинг ишончини оқлаб, элга сидқидилдан меҳнат қиладиган фидойи инсонлар бўлиб етишишлари лозим. Фарзанд тарбиясига нафақат ота-она ёки таълим муассасалари, балки барчамиз — бутун маҳалла аҳли масъулмиз.

Маҳалладаги аксарият уйлар "Камолот ишонч Анд." масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан бунёд этилган.

(Давоми иккинчи бетда)

Мустақиллик шарофати билан ҳуқуқий доктринамиз мутлақо янгича, умумэътироф этилган демократик тамойиллар асосида ривожланмоқда. Зеро, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан бири бу — инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, асоссиз жиноий таъқиб ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари муҳофаза этилишини таъминлаш ҳисобланади.

Yangi qonun mohiyati

Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тартиби

бу борадаги қонунчилик асослари янада такомиллаштирилди

Шу боис мамлакатимизда қонунчилик тизими инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилиб, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштиришга, инсон ҳуқуқларини халқаро стандартлар даражасида мустаҳкамлашга қаратилган изчил, тизимли ва давомли ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилиб, уларнинг қонунчилик асослари йилдан-йилга такомиллаштирилмоқда.

(Давоми учинчи бетда)

Fuqarolik qonunchiligi

Ота-онанинг бурч ва мажбуриятлари

уларнинг тўлиқ адо этилиши фарзандларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига хизмат қилади

Юртимизда мустақиллик йилларида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёш авлодни жисмонан етук, маънавий жиҳатдан баркамол қилиб вояга етказиш, уларнинг орзу-умид ва интилишларини рўёбга чиқариш йўлида кўламли ислоҳотлар амалга оширилганига ҳар биримиз гувоҳмиз. Бош қонунимизда оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликнинг давлат томонидан муҳофаза қилиниши тўғрисидаги меъёрнинг белгилаб қўйилгани эса, бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатларни амалга оширишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Албатта, давлатнинг эътибори оила барқарорлиги, унинг жамиятдаги нуфузини юксалтиришда алоҳида аҳамият касб этади. Шу билан бирга ҳар бир оиланинг аҳил-тотув ва мустаҳкамлигида ички омиллар ҳам муҳим ўрин тутади. Масалан, Конституциямизда ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурлиги, ўз навбатида, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ҳам ота-оналари кексайганда, ёрдамга муҳтож бўлиб қолганда, уларга ғамхўрлик қилиши зарурлиги белгилаб қўйилганки, бу бурч ва мажбуриятларнинг ўз вақтида, виждонан адо этилиши, табиийки, ота-она билан фарзандлар ўртасидаги меҳр ришталарини янада мустаҳкамлайди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Мамлакатимизда тадбиркорликнинг ривожи барқарор иқтисодиётни шакллантириш ва аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг муҳим омили бўлмоқда. Бунда соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар муҳим аҳамият касб этаётир.

2011 йил — «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»

Тадбиркор ҳуқуқи — қонун ҳимоясида

Айниқса, тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимояси изчил таъминланаётгани уларнинг эркин фаолият юритишига замин яратяпти. Хоразм вилояти адлия бошқармаси томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида жойларда ўтказилган назорат тадбирлари ва мурожаатларни кўриб чиқиш натижасида жами 868 та қонунбузилиши аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли идораларга тақдимнома ва кўрсатмалар киритилди. Қонунбузилишига йўл қўймаслик хусусида 36 нафар мансабдор шахс расман огоҳлантирилди. Жойларга йўлланган ҳужжатларда баён этилган қонунбузилиши ҳолатларини муҳокама этиш натижаларига кўра, 117 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилган. Уларнинг 9 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилган. Тадбиркорлар манфаатини кўзлаб судга юборилган 42 миллион сўмликка яқин даъво аризасининг барчаси қаноатлантирилди.

Мисол учун "Микрокредитбанк"нинг Шовот филиали фаолиятида адлия бошқармасининг иш режасига асосан белгиланган тартибда ўтказилган ўрганишда, филиал томонидан мижозларга, яъни тадбиркорларга ҳисоб рақами очишда Президентимизнинг **"Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори талаблари бузилганлиги аниқланди. Хусусан, банк филиали томонидан Шовот тумани Беруний жамоа хўжалигида жойлашган «Шовот катқалъа» сервис савдо-харид, тайёрлов хусусий корхонасидан ҳисоб рақами очиш учун 3 минг 768 сўм ўрнига 18 минг 840 сўм ундирилганлиги аниқланди.

(Давоми иккинчи бетда)

Mulohaza

Оила — муқаддас қўрғон

уни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир

Ҳар жиҳатдан баркамол авлод жамият тараққиётининг ҳал қилувчи кучидир. Бунда, албатта, оиланинг ўрни ва роли беқиёс. Зеро, ҳар бир фарзанд оилада туғилади, унибўсади ва тарбия топади. Барқарор, тўкис, аждодлардан мерос қадриятларга амал қилинадиган оилаларда, табиийки, яхши тарбия кўрган инсон камол топади. Шу боис ҳам халқимиз азал-азалдан оилани муқаддас билиб келган.

Албатта, оиланинг икки устуни — эр ва хотин бир-бирини тушунса, қўллаб-қувватласа, бундай оилада тинчлик-хотиржамлик ҳукм суради, фарзандлар ҳам ота-онанинг меҳридан баҳра олиб улғаяди.

(Давоми учинчи бетда)

Mezon

Қонуний фаолият

муваффақиятларни таъминлайди

Ҳуқуқий-демократик давлат, эркин, адолатли фуқаролик жамияти барпо этилаётган мамлакатимизда ҳар бир корхона, ташкилот, муассаса мутасаддиси томонидан қабул қилинган ҳужжат амалдаги қонун талабларига тўлиқ мос келиши керак. Чунки қонуний асосга эга ҳуқуқий ҳужжат ишнинг эртанги муваффақиятини таъминлайди.

Агар ҳуқуқий ҳужжат қонунга зид бўлса, у эртами-кечми, барибир, суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилади.

Шу ўринда фикримизни Пастдарғом тумани прокуроринг давлат манфаатларини кўзлаб судга киритган бир даъво аризаси мисолида давом эттирсак. Гап шундаки, туман прокурори ушбу даъво аризасида жавобгарлар – Давлат мулк қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси, туман «Киновидео» МЧЖ, туман ҳокимлиги, ҳокимликнинг тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси, Жума шаҳар давлат нотариал идораси, фуқаролар И.Нурмуратов ва Д.Саидмуродовга нисбатан ҳоким қарорларини, йиғилиш баённомаси, олди-сотди шартномалари ва юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Гапнинг нимада эканлигини англаш учун бироз олдинроққа мурожаат қилишга тўғри келади. Пастдарғом тумани «Киновидео» очиқ турдаги акциядорлик жамияти акциядорларининг 2003 йил 10 мартда навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилади. Йиғилишда акциядорлик жамияти Низом жамғармаси 50 минг АҚШ долларига мувофиқ бўлмаганлиги учун очиқ турдаги акциядорлик жамиятини масъулияти чекланган жамиятга айлантириш масаласи муҳокама этилади ҳамда ташкилий ишлар Давлат мулк қўмитасидан сўрашга қарор қилинади. Негаки, очиқ акциядорлик жамиятини масъулияти чекланган жамиятга айлантиришда унинг 8 фоиз акциялари давлат улушига тўғри келарди.

Шундан сўнг 2004 йил 21 апрелда туман ҳокимининг 306-К-сонли қарори билан «Киновидео» ОАЖ масъулияти чекланган жамиятга айлантирилади. Унинг устави рўйхатга олинади. Фуқаролар У.Холбозорова 36,33 фоиз, Ф.Тоиров 35,78 фоиз, Т.Тожиев 26,82 фоиз, Г.Очилова 0,32 фоиз ва А.Очилов 0,74 фоиз улуш ҳисобидан жамият таъсисчилари этиб белгиланади.

Бу жамият таъсисчиларининг 2005 йил 26 февралдаги 1-сонли умумий йиғилиш баённомаси билан расмийлаштирилади. Туман ҳокимлиги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси 2005 йил 28 майда «Киновидео» МЧЖни давлат рўйхатидан ўтказиб, бу ҳақда 201-сонли гувоҳнома беради.

Шу тариқа орадан икки йилдан кўпроқ вақт ўтади. 2007 йилнинг 30 октябрь куни туман «Киновидео» МЧЖ ва фуқаро И.Нурмуротов ўртасида олди-сотди шартномаси имзоланади. Шартномага кўра, И.Нурмуротов Жума шаҳрида 1963 йилда қурилган, умумий ер майдони 1250 квадрат метр, фойдаланиш майдони 464,11 квадрат метр бўлган кинотеатр биносини 2 миллион 400 минг сўмга сотиб олади.

(Давоми иккинчи бетда)

Insonparvarlik tamoyillari

Ярашув

эзгу ва савоб ишларга йўл очмоқда

Тунда қарама-қарши йўналишда ҳаракатланаётган «Иж-Планета» русумли икки мотоцикль кутилмаганда бир-бири билан тўқнашиб кетади. Бунинг оқибатида ҳайдовчилардан бири Ж.Хўжаев оғир жароҳат олиб, ҳаётдан кўз юмади. Иккинчи ҳайдовчи А.Саимов эса касалхонага ётқизилади.

(Давоми иккинчи бетда)



2011 йил — «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»

Тадбиркор ҳуқуқи — қонун ҳимоясида

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ўрганиш натижалари бўйича, "Микрокредитбанк"нинг Шовот тумани филиали бош муҳосиби Жасур Матчановга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 241[1]-моддаси 1-қисмига асосан маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги баённома расмийлаштирилиб, қонуний ҳал қилиш учун жиноят ишлари бўйича Шовот тумани судига юборилди. Суд Ж.Матчановга нисбатан энг кам иш ҳақининг 7 баробари миқдорида жарима жазоси тайинлади.

Шунингдек, йўл қўйилган қонунбузилишларни бартараф этиш ҳақида банк филиали бошқарувчиси номига тақдимнома киритилди. Натижада филиалнинг кредит ва микромолиявий хизматлар бўлими бошлиғи С.Ибодуллаевга ҳайфсан интизомий жазоси берилди.

Бундан ташқари ортиқча ундирилган суммани қайтариш ва маънавий зарарни ундириш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича Шовот туманлараро судига даъво аризаси киритилди ва даъво аризаси суд томонидан қаноатлантирилди.

Шу билан бирга, вилоят адлия бошқармаси ташаббуси билан жойларда туман ҳокимлиги, вилоят хўжалик суди, суд департаментининг ҳудудий бошқармаси, солиқ ва божхона органлари, иқтисодиёт бошқармаси, савдо-саноат палатаси, рўйхатга олувчи ва рухсат берувчи органлар, тижорат банклари, ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва бошқа тааллуқли идоралар ҳамкорлигида тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари билан "Очиқ эшиклар куни" тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Унда тадбиркорларга ҳуқуқий тушунтиришлар берилиши билан бир қаторда уларнинг саволларига адлия, банк, савдо-саноат палатаси, божхона бошқармаси мутахассислари томонидан жавоб бериб келинмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, тадбиркорлар ҳуқуқи ҳамиша қонун ҳимоясида. Ушбу мақсадга қаратилган қонун ҳужжатлари ижроси давлат ва назорат идораларининг доимий эътиборида. Хусусий сектор ҳуқуқий ҳимоясининг ана шундай мустаҳкам асослари уларнинг янада тараққий этишига замин яратади.

Н.РАҲИМОВ,
Хоразм вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

E`tirof

Озод Ватаннинг обод манзиллари



(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

— Юртбошимиз билан учрашиш, амалга оширган камтарона ишларимизга юксак баҳо берилганига гувоҳ бўлиш мен учун катта шараф, — **дейди жамият раҳбари Улуғбек Исомиддинов.** — Давлатимиз раҳбарининг эътибори биз, қурувчилар зиммасига улкан масъулият юклайди, қатъий ишонч билан янада самарали меҳнат қилишга ундайди.

Президентимиз қарорига асосан вилоятдаги тураржой даҳаларининг инфратузилмасини жадал ривожлантириш, халқнинг турмуш шароитини тубдан яхшилаш мақсадида 2011 — 2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар белгиланиб, бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Андижон, Асака, Хонобод шаҳарлари, вилоятнинг барча туманларида ушбу қарор ижроси бўйича тизимли равишда ишлар ташкил этилиб, изчиллик билан амалга оширилмоқда. Андижон шаҳрининг Ўзбекистон, Бобур, Амир Темур, Навоий, Чўлпон, Истиқлол кўчалари таъмирланиб, бутунлай янги қиёфага эга бўлди. Ушбу кўчалар бўйида кўп қаватли кўркам бинолар қад ростлади. Тез вақт ичида 76 километрлик шаҳар кўчалари ҳар томонлама қулай ва замонавий, мустаҳкам коммуникация билан таъминланган йўлларга айланади.

Андижонликлар фарзандлари қўшимча ҳунар эгаллашлари учун уларни болалигидан устозлар қўлига беришади. Шунинг учун ҳам улғайиб, олий маълумотга эга бўлиб, турли соҳада меҳнат қилаётган кишилар орасида заргарлик, косиблик, новвойлик, дурадгорлик, дўппидўзлик, тикувчилик, савдогарлик каби турли ҳунарларни эгаллаган кишилар кўп. Ўзбекистон кўчасида қурилган уй-жой бинолари ана шундай тадбиркор ва ишбилармон юртдошларимиз яшашлари билан бирга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳам мўлжалланган.

Президентимиз Ўзбекистон кўчасини кўздан кечирар экан, шаҳарнинг энг кўҳна ҳудудида, асрлар оша ота-боболаридан мерос эски уйларда яшаб келган юртдошларимиз бугунги кун талабини тўғри англаб, шундай замонавий тураржойлар қурганидан кўнгли тўлганини билдирди. Юртбошимизнинг, бу ишлар келажак авлодлар томонидан эътироф этилганда, меҳнат қилган фидойи инсонлар, албатта, эсга олинади, Андижонда амалга оширилган ишлар бошқа вилоятлар учун ўрнак бўлса арзийди, деган сўзлари андижонликларга фахр-ифтихор, ғайрат ва шижоат бағишлади.

Шаҳрихон тумани — зиёлилар, ҳунармандлар, тадбиркорлар, уста деҳқонлар юрти.

Юртбошимиз ташриф буюрган "Обод диёр илҳоми" фермер хўжалиги раҳбари Аҳмаджон Раззоқов биз билан суҳбатда ҳисҳаяжонини яшира олмади.

— Президентимизнинг, фермер хўжалигини асл деҳқон, виждонли, ер билан тиллаша оладиган, ерга чин меҳр берадиган инсонлар бошқариши керак, деган сўзларидан биз ўзимизга катта хулоса чиқардик, — **дейди Аҳмаджон ака.** — Айниқса, фермернинг вазифаси фақат хомашё тайёрлащдан иборат бўлиб қолмаслиги кераклигини, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳам яқин йиллар ичида йўлга қўйишимиз лозимлиги давр талаби эканини чуқур англадик. Шундагина биз етиштирган ҳосилимиздан унумли фойдаланиб, мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўша оламиз.

Фермер хўжалигимизда паррандачиликни ҳам йўлга қўйганмиз. Бу йўналишдаги ишларни янада ривожлантириш билан бирга мева-сабзавотни қайта ишлаш минитехнологиялари сотиб олиб, салқин ичимликлар тайёрлаш цехини ташкил этишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Юртимизда, жумладан, Андижон вилоятида Аҳмаджон Раззоқов каби ўз касбига фидойи, эл ҳурматини қозонган, барчага ибрат бўла оладиган инсонлар кўп. Юртбошимизнинг вилоятимиз аҳлига берган юксак баҳоси, ишончи ва эътиборидан руҳланиб, юртдошларимиз янада фаол меҳнат қилишни, мамлакатимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишни, Ватанимизни, мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асрашни ўзлари учун муқаддас бурч ва вазифа деб биладилар.

Хуршида ҚЎЧҚОРОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилояти бўлими раҳбари

Mezon

Қонуний фаолият

муваффақиятларни таъминлайди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Орадан кўп ўтмай И.Нурмуротов ушбу бинони нотариал тартибда расмийлаштириб, фуқаро Д.Саитмуродовга 8 миллион 700 минг сўмга сотиб юборади. Кинотеатр биноси туман ҳокимининг 2009 йил 13 мартдаги 478-К-сонли қарори билан Д.Саитмуродов номига хатланади. Бинодан маданий-маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси сифатида фойдаланиш учун тасдиқланган лойиҳа асосида реконструкция қилишга мазкур қарор билан рухсат этилади.

Айтиш керакки, амалдаги Фуқаролик кодексининг 164-моддасида мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқи ким томонидан бўлмасин ҳар қандай бузилишини бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатлиги белгиланган.

Ушбу кодекснинг 555-моддасида эса, ижарага олувчи томонидан ижарага берувчининг розилигисиз амалга оширилган ва ижарага берилган мулкдан ажратиб олиб бўлмайдиган яхшилашларнинг қиймати тўланмаслиги кўрсатилган.

Суд қонуннинг юқоридаги талабларига таянди. Собиқ «Киновидео» ОАЖ масъулияти чекланган жамиятга айлантирилишида жамиятнинг 8 фоиз акциялари давлат улуши эканлигини, таъсисчиларнинг 2005 йил 26 февралдаги умумий йиғилиш баённомасида ушбу давлат улуши асоссиз равишда беш нафар жисмоний шахсларнинг ҳисобига ўтказилганлигини, таъсисчилар йиғилишида давлат номидан ҳаракат қилиши лозим бўлган Давлат мулк қўмитаси вакили иштирок этмаганлигини, туман ҳокимининг «306-К» сонли қарори асосида акциядорлик жамияти масъулияти чекланган жамиятга, давлатга тегишли бўлган улуш масаласи ҳал қилинмасдан туриб, айлантирилганлигини инобатга олиб, суд туман ҳокимининг қарорини асосли эмас, деган тўхтамга келди.

Шунингдек, суд Пастдарғом тумани ҳокимининг 2004 йил 21 апрелдаги 306-К-сонли қарорини, «Киновидео» МЧЖ таъсисчиларининг 1-сонли умумий йиғилиш баённомасини, туман ҳокимлиги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясининг 2005 йил 28 майдаги туман «Киновидео» МЧЖни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги 201-сонли гувоҳномани, «Киновидео» МЧЖ ва фуқаро И.Нурмуратов ҳамда фуқаролар И.Нурмуратов билан Д.Саитмуродов ўртасида тузилган олди-сотди шартномаларини ҳақиқий эмас, деб топди. Туман прокурорининг судга киритган даъво аризасини қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди.

Суд қонун талабларига асосланиб, И.Нурмуратовдан Д.Саитмуродов фойдасига 8 миллион 700 минг сўм, туман «Киновидео» МЧЖдан И.Нурмуратов фойдасига 2 миллион 400 минг сўм ундирди.

Шу ўринда яна бир гап. Давлат мулк қўмитасининг вилоят ҳудудий бошқармаси, вилоят «Кинофикация» бошқармаси ҳамда туман «Киновидео» бўлими ўртасида 1996 йилда тузилган битим мавжуд. Ушбу битимнинг 2,4 бандига асосан харидор Пастдарғом тумани «Киновидео» бўлими фаолият соҳасини сақлаш ва хизмат кўрсатиш ҳажмини кўпайтириш мажбуриятини олган.

Битимдан кўриниб турибдики, кино соҳасини сақлаш ва ривожлантириш керак. Лекин туман ҳокимининг 2009 йил 13 мартдаги 478-К-сонли қарорига кўра, кинотеатр соҳаси асоссиз равишда ўзгартирилган. Д.Саитмуродовга бинони маданий-маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси сифатида қайта реконструкция қилишга рухсат этилган. Бу ўринда битим талаблари бузилгани етмагандек, Давлат мулк қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармасининг рухсати олинмаган.

Суд бу борада ҳам қонун талаблари бузилганлигини эътироф этди ва туман ҳокимининг 478-К-сонли қарорини асоссиз деб топди. Туман прокурорининг мазкур даъво талаблари ҳам қаноатлантирилди.

Хулоса шуки, қонун талаби, қатъий. Ундан четга чиқиш, қонунларга риоя қилмаслик ташвиш келтиришдан бошқасига ярамайди. Шундай экан, ҳар қандай ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилишда унинг қонунларга қанчалик мос эканлигини назардан қочирмаслик керак.

Жасуриддин АБДУСАТТОРОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилояти судининг судьяси

Insonparvarlik tamoyillari

Ярашув

эзгу ва савоб ишларга йўл очмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Тергов ва суд жараёнида маълум бўлишича, фожиага мотоцикль ҳайдовчиларининг ҳар иккиси бирдек сабабчи.

Бундан ташқари ҳар икки ҳайдовчининг ҳайдовчилик гувоҳномаси, техник талони йўқ, мотоциклар эса рўйхатдан ўтмаган, давлат рақами олинмаган. Мотоцикларнинг ёритиш чироқлари ва рул бошқарувида техник нуқсонлар мавжуд.

Судда Жиноят кодексининг 266-моддаси 2-қисми билан айбланган А.Саимовга оид жиноят иши мазмунан кўриб чиқилди. Иш кўрилаётганда жабрланувчи судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини маълум қилди. Ўғлининг дафн маросимига судланувчининг яқинлари иштирок этишгани, ҳамдард бўлишгани, етказилган зарарни тўлиқ қоплашганини айтди.

Судланувчи ва жабрланувчи ўртасидаги бу муроса Олий суд Пленумининг 2000 йил 22 декабрдаги **«Транспорт ҳаракати ёки ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятларга оид ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида»**ги қароридаги раҳбарий тушунтиришларга мос келади.

Чунки ушбу қарорнинг 14-бандида судларга йўл-транспорт ҳодисаси билан боғлиқ ишларни кўриб, айбдорга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда инсонпарварлик, одиллик тамойилларидан келиб чиқиб, ҳар бир иш бўйича алоҳида ёндошиш тўғрисидаги қонун талабларига риоя қилиш, йўл транспорт ҳодисасининг келиб чиқиш сабаб ва оқибатлари ўртасида боғланиш, ҳодиса содир бўлгандан сўнг шахснинг ҳулқи, жабрланувчига нисбатан тиббий ёрдам кўрсатиш учун ҳаракат қилгани, даволаниши учун моддий-маънавий ёрдам берганлиги, жабрланувчи вафот этган тақдирда жабрланувчининг оила аъзоларига дафн маросимларига ёрдам кўрсатганлиги ва бошқа жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга алоҳида эътибор бериш шартлиги қайд этилган.



Суд судланувчи А.Саимовнинг айбига тўлиқ иқрорлиги ва қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини, етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлигини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб топди. Судланувчи А.Саимовга нисбатан жазо тайинлашда Олий суд Пленумининг юқорида келтирилган қарори талабларидан келиб чиқди. Жабрланувчининг даъвоси йўқлигини, йўлтранспорт ҳодисаси оқибатида ўзи ҳам ҳаёт учун хавфли бўлган тан жароҳати олиб, ҳозирги кунда уйида даволанаётганлигини эътиборда тутиб, тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган хулосага келди.

Суд судланувчи А.Саимовни Жиноят кодексининг 266-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топди ва уни шу модда билан уч йил муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш тўғрисида ҳукм чиқарди. Судланувчига нисбатан Жиноят кодексининг 72-моддасини қўллаб, шартли ҳукм қилди ва бир йил синов муддати тайинлади.

Шу ўринда шартли ҳукм қилиш ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсак, амалдаги Жиноят кодексининг 72-моддасида шартли ҳукм қилиш тартиб-таомили аниқ баён этилган. Шахсни жазодан озод қилишнинг кенг қўлланаётган, инсонпарварлик, бағрикенглик тамойилига тўлиқ асосланган турларидан бири бу шартли ҳукм қилиш ҳисобланади. Суд жиноятнинг хусусияти, ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ва бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг тузатиш назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келса, шартли ҳукм қўллаши мумкин.

Аслида халқимизга хос бағрикенгликни ўзида мужассам этган ушбу шартли ҳукм жазоси айбдорнинг келгусида айбини ювиш ва тўғри йўлга тушиб олиши учун берилган катта имкониятдир.

Мамлакатимизда қонунларнинг либераллаштирилиши, инсонпарварлик, одиллик ва демократик тамойилларнинг қонунларимизга сингдирилганлиги туфайли билиб-билмай, эҳтиётсизлик орқасидан жиноят содир этган шахслар бу бағрикенгликдан баҳраманд бўлишмоқда. Жамиятдан ва оиласидан ажратилмаган ҳолда синов муддатини ўтаб, тўғри йўлга тушиб олишмоқда.

Шу ўринда шўро даврида Акмал Саимов содир этган турдаги жиноят билан айбланган шахсга қандай жазо қўлланарди, деган савол туғилади. Бунга жавобан шуни айтиш керакки, бу тарздаги жиноят шўро даврида амалда бўлган Жиноят кодексининг 208-моддаси билан малакаланган. Яъни судланувчига нисбатан беш йилгача муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, у ўн йилгача бўлган муддатга озодликдан маҳрум этилган.

Ўтмиш ва бугунги кун жазо таомилини таққослащдан мақсад битта. У ҳам бўлса, юртимизда инсонпарварлик, адолатпарварлик ва демократик тамойилларнинг устуворлигини, қонунларимизнинг адолатпарвар ва одиллигини яна бир карра эслаш. Чунки халқимизнинг шарқона табиатига хос яхшилик ҳамиша эзгу ва савоб ишларга йўл очади.

Азимжон ҲАФИЗОВ,
жиноят ишлари бўйича Қизилтепа тумани судининг раиси
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Куч — адолатда» мухбири

Асосий қонунимизда белгилаб қўйилганидек, мамлакатимизда демократия умуминсоний принципларга асосланади. Уларга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Transmilliy jinoyatchilik

Инсон ҳаёти

Дарҳақиқат, Бош қонунимизда ўз ифодасини топган ушбу мезон бошқа қонунлар учун ҳам устувор аҳамият касб этади. Энг асосийси, суд-ҳуқуқ идоралари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари, шаъни, қадр-қиммати тўлиқ ҳимоя этилаётир.

Маълумки, мамлакатимизнинг хорижий давлатлар билан ҳамкорлик алоқалари йилдан-йилга тобора кенгайиб бормоқда. Шу маънода тадбиркорлик ёки саёҳат, ўқиш ниятида хорижга чиқишни ихтиёр қилган юртдошларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонун билан муҳофаза этилади. Муҳими, хорижда меҳнат қилиш истагидаги фуқаролар қонунга риоя этсалар, чет элда ҳам уларнинг соғлиғи, ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси кафолатланади. Зотан, **«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»**ги қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги **«Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори, ушбу ҳужжатга илова қилинган **«Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолияти тартиби тўғрисида»**ги Низом, шунингдек, **«Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги тўғрисида»**ги Низом сингари қонун ҳужжатлари билан бу борадаги муносабатлар тартибга солинади. Бундан ташқари Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 15 майда қабул қилинган **«Меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элларга кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳисобга олишни такомиллаштириш тўғрисида»**ги қарорига асосан хорижда фаолият кўрсатувчилар учун рухсатномалар бериш тартиби соддалаштирилди.

Юқорида айтганимиздек, ушбу қонун ҳужжатларининг муштарак мақсадларидан бири — хорижий мамлакатларда ишлаётган фуқароларимизнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва ижтимоий муҳофазаси ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборатдир. Шундай экан, орамизда қонунни писанд қилмай, ўзбошимчалик билан хорижга чиқиб кетган, сўнг у ерда турли муаммоларга дуч келган ёхуд бировларнинг «Хорижда барча шароитни муҳайё қиламан», деган сохта ваъдаларига учиб, тузоққа тушаётган кишиларнинг ҳам борлиги ачинарлидир. Ҳолбуки, **«Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолияти тартиби тўғрисида»** Низомда **«Ўзбекистон Республикаси фуқаролари хусусий меҳнат контрактлари бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элларга фақат Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан берилган рухсатномалар бўйича чиқиш ҳуқуқига эгадирлар»**, дея белгилаб қўйилган. Баъзи фуқароларнинг ушбу тартиб-қоидаларни билмасликлари ёки билишса-да, унга амал қилмаслиги эса товламачи, фирибгарлар кимсаларга қўл келаётгани ҳам сир эмас.

Судланувчи О.Хўжаев шу йилнинг 24 март куни дастлабки терговда ва судда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган Аскар ва Мақсуд исмли кимсалар билан қўшни республикадаги ғишт заводларидан бирига одамларни олиб бориб, уларнинг иш ҳақини ўзлари бўлиб олишдай тубан мақсадда тил бириктирган. Дастлаб уларнинг тузоғига Мақсуд ва Акмал Рашидовлар тушишган. О.Хўжаев уларга Тошкент шаҳридаги ғишт заводларидан бирига ишга жойлаштириб қўйишни, қулай меҳнат шароити яратиб беришни, ҳар ойда 400 минг сўм миқдорида иш ҳақи ваъда қилган. Бу ёлғон ваъдаларга учган ака-укалар унга эргашиб йўлга чиқишади. О.Хўжаев уларни алдаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиб кетади ва жабрланувчиларнинг фуқаролик паспортларини олиб қўяди. Рашидовлар хорижда икки ой давомида оғир шароитларда меҳнат қилишади...

О.Хўжаев ўзининг жиноий ҳаракатларини яна давом эттиради. Бу гал у Д. Алимов, У.Олимов, Ў.Сатторов ва вояга етмаган С.Ражабовни алдаб, яна ўша ғишт заводига олиб боради. Фуқаролик паспортини олдириб қўйиб, ночор қолган бу жабрланувчилар ҳам икки ой давомида меҳнат қилишга мажбур бўлишади.

Yangi qonun mohiyati

Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тартиби

бу борадаги қонунчилик асослари янада такомиллаштирилди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида таъкидлаганидек, **мамлакатимизда жиноий-ҳуқуқий сиёсатни такомиллаштиришда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш энг муҳим йўналишга айланди.**

2011 йил 26-27 август кунлари бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг олтинчи ялпи мажлисида маъқулланган **"Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида"**ги ҳамда **"Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги қонунлар айнан жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлашнинг қонунчилик асосларини янада такомиллаштиришга қаратилган. Ушбу қонунлар 2011 йил 5 октябрда матбуотда эълон қилинди ва шу кундан эътиборан кучга кирди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур қонунларни қабул қилишда инсон ҳуқуқларига оид халқаро стандартларни ўзида мужассамлаштирган БМТ доирасида қабул қилинган ва бошқа қатор халқаро ҳужжатлар ўрганилди ҳамда уларнинг асосий қоидалари ушбу қонунларга сингдирилди.

Дастлаб **"Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида"**ги қонуннинг мазмун-моҳияти ҳақида тўхталадиган бўлсак, мазкур қонун миллий қонунчилигимизнинг илғор тажрибаси ҳамда замонавий халқаро ҳуқуқий меъёрлар уйғунлигига асосланган 8 боб ва 59 моддадан иборат бўлиб, унда қамоқда сақлашнинг асосий принциплари, ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг ҳуқуқий ҳолати, қамоқда сақлаш жойлари тизими, ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, уларга нисбатан қўлланиладиган рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари, қамоқда сақлаш жойларида қўриқлаш ва назоратни таъминлаш, шунингдек, уларни қамоқдан озод қилиш билан боғлиқ муносабатлар инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаш принципидан келиб чиқиб тартибга солинган.

Айтиш керакки, ушбу янги қонуннинг 4-моддасида қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини муҳофаза қилиш, айбсизлик презумпцияси қамоқда сақлашнинг асосий принциплари, деб белгилаб қўйилди. Ўз навбатида, мазкур принциплар қонуннинг барча меъёрларига сингдирилиб, уни амалиётда қўлловчилар учун раҳбарий қоида бўлиб хизмат қилади.

Қонунда қамоқда сақлаш асослари аниқ кўрсатилган бўлиб, унга кўра, Жиноят-процессуал кодексининг 225-моддасида назарда тутилган тартибда тузилган ушлаб туриш баённомаси ушлаб турилганларни қамоқда сақлашга ҳамда суднинг Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган тартибда чиқарган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги қарори эса қамоққа олинганларни қамоқда сақлашга асос бўлади.

Шунингдек, қонуннинг алоҳида моддасида ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг ҳуқуқий ҳолати очиб берилди. Унга кўра, ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади ҳамда улар қонунда назарда тутилган чеклашлар инобатга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган ҳуқуқларга, эркинликларга эга бўлиши ва мажбуриятларни бажариши лозим. Бундай меъёрнинг белгиланиши айни пайтда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 11-моддасида белгиланган **"Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир инсон ҳимоя учун барча имкониятлар таъминланган ҳолда, очиқ суд мажлиси йўли билан унинг айби қонуний тартибда аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланишга ҳақлидир"**, деган меъёрга тўлиқ мос келади.

Қонунда ушлаб турилган ва қамоққа олинган чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатига оид меъёр ҳам белгиланиб, Ўзбекистон ҳудудида ушлаб турилган ва қамоққа олинган чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда ҳуқуқлардан, эркинликлардан фойдаланиши ҳамда мажбуриятларни бажариши, фақат Ўзбекистон Республикасининг қонуни ва халқаро шартномаларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно эканлиги мустаҳкамлаб қўйилди.

Қонуннинг "Қамоқда сақлаш жойлари" номли 2-бобида ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларни сақлаш жойлари, жумладан, вақтинча сақлаш ҳибсхоналари ва тергов ҳибсхоналари тушунчаси, мазкур жойларда сақланиши мумкин бўлган шахслар ҳамда бундай жойларда сақлашнинг алоҳида хусусиятлари аниқ баён этилди. Шунингдек, ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларни сақлаш учун гауптвахталардан, тиббий муассасалардан ва жазони ижро этиш муассасаларидан фойдаланиш тартиби ва шартлари баён этилди.

Қонуннинг ўзига хос муҳим жиҳатларидан бири шундан иборатки, унда ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг ҳуқуқлари баён этилиши билан бир қаторда, белгиланган ҳуқуқларни амалга оширишнинг аниқ механизмлари кўрсатилган. Жумладан, ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг мурожаатларини юбориш тартиби, қариндошлари ҳамда бошқа шахслар билан ёзишмалари, ҳимоячиси, қонуний вакили, қариндошлари ва бошқа шахслар билан учрашувлари, шахсий хавфсизлик ҳуқуқи, шунингдек, озиқ-овқати, моддий-маиший таъминоти, тиббий-санитария таъминоти, посилкалар, йўқловлар, бандероллар ва пул жўнатмаларини олиш ҳуқуқларини амалга ошириш механизмлари аниқ баён этилди.

Бундан ташқари ушлаб турилганларнинг, қамоққа олинганларнинг фуқаролик-ҳуқуқий битимларда ва оилавий муносабатларда иштирок этиши, қамоққа олинганларни меҳнатга жалб этиш, шунингдек, мамлакатимизда аёллар ва вояга етмаганларга нисбатан алоҳида ёндашув нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ҳомиладор аёлларни ва ёнида икки ёшга тўлмаган болалари бор аёлларни ҳамда вояга етмаганларни қамоқда сақлашнинг ўзига хос хусусиятлари ифодаланди.

Энг муҳими, қонунда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизимида юқори мавқега эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг қамоқда сақлаш жойларига бориши билан боғлиқ инсон ҳуқуқларига оид ҳалқаро стандартларга ва инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш механизмига тўла мувофиқ келадиган меъёр мустаҳкамланди. Ўрни келганда шуни айтиш жоизки, хорижий давлатларнинг мазкур қонунга ўхшаш қонунлари таҳлили шуни кўрсатадики, уларда инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг қамоқда сақлаш жойларига бориши билан боғлиқ муносабатлар тартибга солинмаган.

Қонунда ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларга нисбатан мажбуриятларини намунали бажарганлик, қамоқда сақлашнинг белгиланган тартиби ва шарт-шароитларига риоя этганлик учун ташаккур эълон қилиш, илгари қўлланилган интизомий жазони муддатидан илгари олиб ташлаш ёки ҳар кунги сайр вақтини кўпайтириш, вояга етмаганларга эса қўшимча кинофильм намойиш этиш, телекўрсатувлар томоша қилишни ташкил этиш, спорт машғулотлари хонасига қўшимча равишда кириш, шунингдек, бўш вақтни ўтказишнинг бошқа шаклари учун рухсат бериш каби рағбатлантириш чоралари қўлланилиши, борди-ю белгиланган мажбуриятларни бажармаса, қамоқда сақлаш тартиби ва шарт-шароитларини, ажратиб қўйишни таъминлаш талабларини бузса, тегишли интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкинлиги қатъий белгилаб қўйилди.

Қонуннинг **"Қамоқда сақлаш жойларида ажратиб қўйишни, қўриқлашни ва назоратни таъминлаш"** номли 6-бобида ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларнинг ажратиб қўйилишини таъминлаш талаблари, уларни камераларда алоҳида-алоҳида жойлаштириш, шунингдек, уларни қўриқлаш ҳамда назорат қилиш, қамоқ жумладан, эркаклар аёллардан, вояга етмаганлар катта ёшлилардан, жиноий жавобгарликка биринчи марта тортилаётган шахслар илгари озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланган шахслардан алоҳида сақланади, деб белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга, қонуннинг 7-бобида ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларни қамоқдан озод қилиш асослари ва тартибига оид меъёрлар баён этилган бўлиб, унга кўра, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг қарори, шунингдек, ушлаб туриш ёки қамоқда сақлашнинг Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган муддати тугаши ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларни қамоқдан озод қилишга асос бўлади, деб белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари Олий Мажлис Сенатининг олтинчи ялпи мажлисида **"Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги қонун ҳам маъқулланган бўлиб, унга кўра, Жиноят-процессуал кодексига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ва Оила кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, Жиноят-процессуал кодексининг 216, 229, 231, 232, 233-моддалари кодексдан чиқариб ташланди. Чунки мазкур моддаларда белгиланган қоидалар ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларни сақлашга оид бўлганлиги ҳамда айни пайтда қамоқда сақлаш тўғрисида алоҳида қонун, яъни **"Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида"**ги қонун қабул қилинганлиги муносабати билан мазкур қонунга ўтказилди ёки унинг тегишли меъёрларига сингдирилди.

Жиноят-процессуал кодексининг 225-моддаси милиция ходими ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органнинг ходими амалга оширилган ушлаб туриш ҳақида ушланган шахс милиция муассасасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган пайтдан бошлаб ўн икки соат ичида прокурорга ёзма шаклда хабар бериши шарт, деган мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилди. Бу эса, ушлаб туриш процессуал мажбурлов чорасининг қўлланилганлигига прокурор томонидан ўз вақтида қонуний баҳо бериш заруриятини яратади, натижада жиноятни содир этишда гумон қилинган шахсни ушлаб туришга ваколатли мансабдор шахсларнинг масъулиятини янада оширади.

Жиноят-процессуал кодексининг **"Жиноят ишини судга юбориш"** номли 388-моддаси агар айбланувчи қамоқда сақланаётган бўлса, ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлар прокурорнинг топшириғига кўра, унга қамоқда сақлаш жойининг маъмурияти томонидан улар келиб тушган куни тилхат олиб топширилади, тилхат ҳужжатлар топширилган сана ва вақт кўрсатилган ҳолда судга тақдим этилади, деган мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилди. Бу орқали қамоқда сақланаётган айбланувчи айблов хулосаси ва унга қилинган иловаларнинг тасдиқланган нусхалари билан судгача танишиш имкониятига эга бўлади. Айни пайтда, қамоқда сақланаётган айбланувчига мазкур ҳужжатлар топширилганлиги ҳақидаги тилхат судга маълумот тариқасида тақдим этилишининг белгиланганлиги, дастлабки терговда суд назоратини амалга ошириш механизмини яратади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 210-моддаси номи ва диспозицияси янги таҳрирда баён этилиб, эндиликда ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларни сақлаш жойларида сақланаётган шахсларга берилиши тақиқланган нарсаларни кўздан кечиришдан яшириб бериш ёки бошқа ҳар қандай усул билан беришга уриниш учун ҳам маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги қонунларнинг қабул қилиниши, биринчидан, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари олий қадрият эканлиги, инсон ҳуқуқлари халқаро стандартлар даражасида қонунлар орқали янада мустаҳкамланаётганлигини кўрсатади, иккинчидан, мазкур қонунлар бевосита тадбиқ этиладиган қамоқда сақлаш жойларининг ходимлари фаолиятининг очиқлигини, уларнинг ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганлар билан муносабатларини қонун орқали ҳуқуқий мустаҳкамлашга хизмат қилади. Пировардида ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларни сақлаш шароитлари ва тартибида инсон ҳуқуқлари устуворлигини, жиноятларни очиш ва уларнинг олдини олишда демократик меъёрлар қўлланилишини таъминлайди.

Нодир МУХТОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими, юридик фанлар номзоди

Mulohaza

Оила — муқаддас қўрғон

уни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир



(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Таассуфки, орамизда арзимаган сабаб билан бир-бирини ҳақорат қилишгача бориб етадиган эр-хотин, уларнинг бундай хатти-ҳаракатидан кўнгли зада бўладиган фарзандлар ҳам йўқ эмас.

Сархуш бўлиб, хотинига қўл кўтарадиган ўйловсиз эркак, битта гапдан қолишни истамайдиган аёл оиланинг дарз кетишига, бу эса, янада ачинарли оқибат — фарзандларнинг тақдирига таъсир қилишга олиб келади.

...Қамашилик Ҳусниддин Нигорага уйланганидан сўнг бир йил ўтиб тақдир уларни фарзанд билан сийлади. Камронни кўзларининг оқу қорасидай суйиб-эркалашар, гўдак ҳам ота-онасининг меҳридан қониб улғаётганди. Аммо беҳуда рашк туфайли бу оилага дарз етди.

Шундан сўнг ўзаро келишмовчилик боис Нигора фарзанди билан отасининг уйига кетди. Кейин эса эри ҳадеганда инсофга келавермагач, судга оталикни белгилаш ҳамда алимент ундириш ҳақида мурожаат қилди.

Буни қарангки, тўйдан аввал қонуний никоҳни қайд эттириш на келин-куёвнинг, на-да яқинларининг хаёлига келмаган экан. Суд Нигора Раҳимованинг Ҳусниддин Абдураҳмоновга нисбатан оталикни белгилаш ҳамда фарзанди Камроннинг моддий таъминоти учун алимент ундириш ҳақидаги даъво аризасини атрофлича муҳокама этиб, тарафларнинг ҳамда гувоҳларнинг фикрларини тинглаб, даъвони қаноатлантириш ҳақидаги хулосага келди.

— Баъзан вақтинчалик оилавий келишмовчиликларни сабаб қилган эр ёки хотиннинг судга мурожаат қилиш ҳоллари ҳам учраб туради, — дейди фуқаролик ишлари бўйича Ғузор туманлараро судининг раиси Шавкат Ҳамдамов. — Масалан, яқинда судда оилавий низолардан бирини кўриб чиқдик. Маълум бўлишича, Дилафрўз Ҳамроева ва Дилшод Пирматов қонуний никоҳдан ўтиб, ўн йил давомида бирга турмуш кечиришган. Ўртада икки нафар фарзанд бор. Аёлнинг судга мурожаат қилишига эрининг баъзан уйга кеч келиши сабаб бўлган. Биз даъво аризасини судда кўриб чиқиш давомида эр-хотиннинг фикрларини эшитиб, муҳокама қилдик. Д.Пирматов ҳам ўз айбини тан олди. Шундан сўнг суд амалдаги қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда никоҳни бекор қилиш учун жиддий сабаб йўқлигини, шунингдек, бу оилани сақлаб қолиш мумкинлигини инобатга олиб, даъвогарнинг никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво талабини рад этишни лозим топди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, ҳар бир киши, энг аввало, оила олдидаги масъулиятини чуқур англаб, унга гард юқтирмасдан, тинч-тотув умр кечирса, фарзандлар тақдири, истиқболи учун чинакамига қайғурса, ҳақиқий бахт — шудир. Зеро, оила бағридан тафтлироқ маскан бўлмайди. Бундай муҳитни яратиш эса, ҳар бир инсоннинг ўзига боғлиқ.

Абдунаби БОБОЁРОВ,
«Куч — адолатда» мухбири

Huquqiy ma`rifat

Шартноманинг мақсади

фуқаролар манфаатига хизмат қилиши лозим

Маълумки, нотариал тарзда тасдиқланадиган шартномалар ичида "Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш" шартномаси ҳам мавжуд. Унга кўра, бир тараф (олувчи) ёши ёки соғлиғи туфайли меҳнатга лаёқатсиз бошқа тараф (шахста берувчи)ни натура ҳолида (уй-жой бериш, овқатлантириш ва зарур ёрдам кўрсатиш тарзида) умрбод моддий таъминлаш мажбуриятини, бошқа шахста берувчи эса олувчига уй-жой, квартирани мулк қилиб бериш мажбуриятини олади.

Яқинда ўрта ёшдаги бир аёл нотариал идорага ариза билан мурожаат қилиб, ана шундай шартнома тузмоқчи эканини билдирди. Унинг айтишича, турмуш ўртоғи вафот этган, фарзанди ҳам йўқ экан. Шу боис ҳозирда ўзи билан бирга яшаётган жиянига уй-жойини умрбод таъминлаш шарти билан бермоқчи бўлган.

Кейинчалик аёл билан суҳбат мобайнида унинг соғлиғи яхши экани, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиши маълум бўлди. У квартирасини бермоқчи бўлган жияни эса, ҳали талаба экан.

Юқорида таъкидланганидек, меҳнатга лаёқатли шахс бундай шартномада "берувчи" шахс сифатида иштирок эта олмайди. Бундан ташқари аёл ўз келажагини ишониб топшираётган "олувчи" эса, талаба бўлиб, ўзи ҳали тўлиқ таъминланмаган, келажакда аёлни моддий томондан тўлиқ таъминлаш имконияти ҳам номаълум эди.

Шу боис аёлга ушбу шартнома тузилганидан сўнг мабодо ўртада низо пайдо бўлса, уни фақат суд орқали бартараф қилиш мумкинлиги ҳақида атрофлича тушунтириш берилди.

Бугунги кунда фуқароларимизга турли мавзуларда шу каби ҳуқуқий маслаҳатлар беришга, шартнома имзолаш пайтида унинг талабларини чуқурроқ англатишга ҳаракат қиляпмиз. Чунки тушунмовчиликлар ортидан турли низолар юзага келади. Юқорида қайд этилган аёл билан суҳбатимиз давомида шартнома тарафларнинг мақсадига мос келиш-келмаслиги янада ойдинлашди. Зотан, ушбу шартнома мададга муҳтож кишиларни умрбод озиқ-овқат ва бошқа ҳаётий заруриятлар билан таъминлаш баробарида юртимизда инсонпарварлик, одамийлик тамойиллари барқарор эканлигини намоён қилади.

Дилбар ТЎРАЕВА,
Шофиркон тумани 2-сон давлат нотариал идораси нотариуси

Jinoyat va jazo

Тинчлик ва осойишталик масъулияти

ҳар биримиздан амалдаги тартиб-қоидаларга риоя этишни талаб қилади

Инсон тафаккури, ақл-идроки билан бошқа мавжудотлардан устун туради. Лекин ҳаётда шундай иллатлар борки, инсоннинг онгини заҳарлаб, тафаккурини хиралаштириб, уни тўғри йўлдан адаштиради. Масалан, ичкиликбозликни ана шундай иллатлар сирасига киритиш мумкин. Спиртли ичимлик ичишга муккасидан кетган одам бир кун келиб, эл-юрт орасида обрў-эътиборини йўқотиб қўйиши турган гап.

(Давоми тўртинчи бетда)

— олий қадрият

ушбу тамойил қонунчилигимизда ўзининг теран ифодасини топган

Биринчи босқич суди О.Хўжаевни Жиноят кодексининг 135-моддаси 3-қисми «а» бандида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбли деб топиб, унга тегишли жазо тайинлади.

Трансмиллий жиноятчилик тусини олган одам савдоси жиноятига айрим хотин-қизларнинг ҳам аралашиб қолаётгани ачинарлидир. Мисол учун Ю.Раҳматова синглиси Қ.Жўраева билан олдиндан тил бириктириб, Н.Қудратовани қўшни давлатлардан бирига алдаб олиб боришни мақсад қилишади. Манзилга етиб боргач, Қ.Жўраева Н.Қудратованинг фуқаролик паспортини олиб қўяди. Унга 500 АҚШ доллари миқдорида қарз эканлигини ва бу пулларни ишлаб топиб берса, фуқаролик паспортини қайтаришини айтади.

Шу тариқа жабрланувчи Н.Қудратова 2009 йилнинг сентябридан 2010 йил декабрига қадар оғир меҳнат шароитида ишлашга мажбур бўлади.

Суд Жиноят кодексининг 135-моддаси 2-қисми «г», «е», «з» бандларида кўрсатилган жиноятни қасддан содир қилган судланувчи Ю.Раҳматовага нисбатан адолатли жазо тайинлади.

Ҳа, инсоният тараққиётга эришгани, турмушини осонлаштирадиган минглаб ихтироларни қилгани сари унга турли хавфу хатарлар ҳам ҳамроҳ бўлиб келаётир. Чунончи, ҳудуд ва чегара танламайдиган трансмиллий жиноятчилик ҳисобланадиган одам савдоси жинояти бугунги кунда дунёнинг барча давлатларига жиддий хавф солмоқда. Одамларнинг тинч ва осуда турмушига рахна соладиган ушбу жиноятнинг олдини олиш, ундан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш борасида халқаро ташкилотлар томонидан турли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Юртимизда ҳам одам савдосига қарши самарали курашиш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда. Аввало шуни таъкидлаш лозимки, БМТнинг **«Одам савдоси ва учинчи шахслар томонидан фоҳишабозликдан фойдаланишга қарши кураш тўғрисида»**ги Конвенцияга давлатимиз 2003 йил 18 декабрида қўшилди. 2008 йил 17 апрелда **«Одам савдосига қарши кураш тўғрисида»**ги қонун кучга кирди. 2008 йил 8 июлда эса Президентимизнинг **«Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори қабул қилинди.

Шунингдек, Жиноят кодексида одам савдоси учун жавобгарликни белгиловчи жиноий-ҳуқуқий меъёрлар такомиллаштирилганини ҳам таъкидлаш жоиз. **«Одам савдосига қарши кураш тўғрисида»**ги қонун амалга киритилганидан сўнг 2008 йил 16 сентябрда **«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида»**ги қонун қабул қилинди. Унга кўра, Жиноят кодексининг 135-моддаси диспозициясига ўзгартишлар киритилиб, санкция қисмидаги жазо чоралари кучайтирилди.

Мухтасар қилиб айтганда, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият деб эътироф этилган юртимизда одам савдосидай чиркин жиноятга қўл урган кимсаларнинг қилмиши жазосиз қолмаслиги шубҳасиз. Юртдошларимизга яна шуни эслатишни бурчимиз деб биламизки, ҳар доим қонунга риоя этган ютқазмайди. Турли муносабат билан хорижга чиқиш, жумладан, чет элда ишлаш масаласида ҳам қонун доирасида иш кўрсангиз, нафақат кўзлаган мақсадингизга эришасиз, айни чоғда ҳаётингиз, соғлиғингизни турли хатарлардан ҳимоя этган ҳам бўласиз.

Насриддин ДАМИНОВ,
жиноят ишлари бўйича Навоий вилояти судининг раиси

Hikmat

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

Тарбиянинг бош мақсади бир-бирига меҳр-оқибатли инсонларни вояга етказишдир.

* * *

Кечириш энг яхши фазилатдир.

* * *

Ҳаё — инсоннинг абадий гўзаллиги ва латофатидир.

* * *

Сабрли киши етукликка эришади. Сабрсиз эса тубанлашади.

* * *

Ақлли инсон бошқаларнинг камчиликларини кўриб ўз камчиликлари тузатади.

* * *

Ақл билан дўст бўлмасанг, ақлсизлик сени осонликча енга олади.

* * *

Инсон масъулият ҳиссини сезмагунича хатога йўл қўяверадилар.

* * *

Ҳаёт қадри узоқ яшашда эмас, яхши яшашда.

* * *

Ақлли инсон ақли билан мағрур эмас, машғул бўлади.

Fuqarolik qonunchiligi

Ота-онанинг бурч ва мажбуриятлари

уларнинг тўлиқ адо этилиши фарзандларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига хизмат қилади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Айтиш керакки, «Ҳамма нарса инсон учун, инсон бахт-саодати учун» деган эзгу ғоя ўзининг аниқ ифодасини топаётган юртимизда давлат ва жамият етим ҳамда ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди. Болаларга бағишланган хайрия фаолиятлари давлат томонидан рағбатлантирилади.

Ҳақиқатан ҳам, умуминсоний қадриятларга йўғрилган, инсонпарварлик, халқпарварлик ва демократик тамойиллар асосига қурилган юқорида зикр этилган конституциявий қоидалар замирида давлат ва жамиятимизнинг ҳар жиҳатдан етук, баркамол авлодни шакллантириш, вояга етмаганлар таъминоти, уларнинг тарбияси, касб-ҳунар эгаси бўлиши борасида алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаётганлигини англаш мумкин.

Баркамол авлодни шакллантириш йўлида олиб борилаётган бундай кенг кўламли ислоҳотлар амалдаги қонунчиликда ҳам ёрқин акс этган.

Мисол учун Оила кодексида белгиланган қоидалар ота-оналик бахтига муяссар бўлган кишиларнинг ўз фарзандлари тарбиясига эътибор билан ёндашиш, уларга ғамхўрлик қилиш, болалар таъминотини ўзлари учун юксак мажбурият, деб англашларини тақозо этади. Шу ўринда савол туғилади, хўш, болаларга таъминот бериш мажбурияти нималардан иборат?

Гап шундаки, вояга етмаганларга таъминот бериш мажбурияти бу, биринчи галда, ота-онанинг вояга етмаган фарзандини моддий жиҳатдан таъминлаш мажбурияти демакдир. Ана шу мажбурият боланинг зарур озиқ-овқат, кийим-кечак, ўқув қуроллари, дарсликлар, бўш пайтларда кўнгилли дам олиши, ўз устида ишлаши учун шарт-шароит



билан таъминлашида намоён бўлади. Табиийки, ота-оналик мажбурияти тўкис адо этилган оилада улғайган фарзанд баркамол инсон бўлиб вояга етади. Ислоҳотлардан кўзда тутилган асосий мақсад ҳам шу!

Оила кодексининг 96-моддаси талабига кўра, ота-она вояга етмаган фарзандига таъминот бериши шарт. Вояга етмаган болаларга таъминот бериш мажбуриятини ўз ихтиёри билан бажармаган ота ёки онадан суднинг ҳал қилув қарорига асосан алимент ундирилади.

Алимент олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс бундай ҳуқуқ вужудга келгандан сўнг қанча муддат ўтганидан қатъий назар, алимент ундириш талаби билан судга мурожаат қилишга ҳақли. Алимент судга мурожаат қилинган пайтдан бошлаб ундирилади. Борди-ю, таъминот учун маблағ олиш чоралари судга мурожаат қилингунга қадар кўрилган, бироқ алимент тўлаши шарт бўлган шахс уни тўлашдан бош тортганлиги сабабли алимент олинмаганлиги суд томонидан аниқланса, ўтган давр учун алимент судга мурожаат этилган пайтдан бошлаб уч йиллик муддат ичида ундириб берилиши ҳам мумкин.

Даъвогар Д.М. суддан Б.Т.нинг 2007 йилда туғилган фарзанди Э.нинг отаси эканлигини белгилаш ва жавобгардан қизининг таъминоти учун алимент ундириб беришни сўраган. Маълум бўлишича, даъвогар жавобгар билан 2000 йил 12 июль куни қонуний никоҳ асосида турмуш қурган. Суднинг 2005 йил 24 августдаги ҳал қилув қарорига асосан улар никоҳдан ажратилган. Томонлар 2006 йил май ойида шарьий никоҳ асосида қайта турмуш қурган ва биргаликдаги турмушлари давомида қизлари Э. туғилган.

Даъвогар суд мажлисида ҳозирги пайтда жавобгар билан бирга яшамаётганлиги, жавобгардан фарзандига туғилганлик ҳақида гувоҳнома олиб беришни сўраганида, у бош тортгани, шундан сўнг фарзандига ўзининг фамилиясини беришга мажбур бўлганлигини баён этди.

Суд мажлисида жавобгар даъвони тан олди ва фарзандининг таъминоти учун алимент тўлашини билдирди.

Суд Оила кодексининг 62-моддаси 3-қисми ҳамда Олий суд Пленумининг 2001 йил 1 июндаги **«Оталикни белгилаш ҳақидаги ишларни кўришда судлар томонидан қонунларнинг татбиқ этилиши тўғрисида»**ги қарорининг 11-бандига асосланиб қарор қабул қилди. Мазкур бандда судларга **«Ота-она ва болаларнинг ўзаро ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари фарзандлар дунёга келиши билан вужудга келишини назарда тутиб, оталикни белгилаш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда суд боланинг келиб чиқишини аниқлаши, бунда жавобгар боланинг онаси билан биргаликда яшаганлиги, уларнинг умумий рўзғор юритишганлиги ёки болани биргаликда тарбиялаганликлари ёинки моддий жиҳатдан таъминлаганликлари ёки жавобгар ўз оталигини тан олганлиги мавжудлигига эътибор бериши лозим»** деб тушунтирилган.

Суд юқоридагиларга асосланиб, даъвогарнинг оталикни белгилаш ва алимент ундириш ҳақидаги даъво талабини қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди.

Мухтасар қилиб айтганда, ота-оналик мажбурияти тўкис адо этилган оилада улғайган фарзанд эртанги чароғон ҳаётимизнинг фаол аъзоси бўлади.

Муродбек ЗУЛФИҚОРОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Зарбдор туманлараро судининг раиси

G'aroyib olam

...Банкни ўмаришни кўзлаган колифорниялик бир кимса бунга ўзича обдон тайёргарлик кўрди. У эътиборни тортмаслик учун юзига ниқоб тақишдан воз кечиб, дўкондан помидор қайласини (кетчуп) харид қилди. У банкка киришдан олдин юзига ана шу помидор қайласини суриб олди. Аксига олиб қайлага қалампир қўшилган экан. Бечораннинг юз-кўзи «лов-лов» ёна бошлади. Шунда ҳам мақсадидан қайтмаган жиноятчи кассирга яқинлашиб, қурол ўқталганча пул талаб қилади...

ОМАДСИЗ УДАБУРОНЛАР

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда)

Аммо босқинчининг афтангорини кўрган кассир жувон ўзини кулгидан тўхтата олмай қолди. Табиийки, кассирнинг жарангдор кулгиси кўпчиликнинг эътиборини тортди. Шунда ноилож қолган босқинчи «қуён» бўлишга қарор қилди ва ўзини эшикка урди. Буни қарангки, уни яна бир омадсизлик кутиб турган экан. Чунки кўзлари қалампирли қайладан ачишган жиноятчи шошганидан эшик қолиб, дераза томонга югурган экан. Одатда, ойнаванд эшиклар автомат тарзда очилиб-ёпилади. Шуни ҳисобга олган омадсиз ўғри бор кучи билан югуриб бориб, дераза ойнасига урилди ва ҳушидан кетди. Тезда етиб келган полиция ходимлари унга биринчи тиббий ёрдам кўрсатишди ва ўзига келгач, қўлларига кишан тақишди.

«Мен қорбобоман!»

Тасманиялик Грегорий Харланд-Уайт эса банкни ўмаришнинг янаям антиқа йўлини ўйлаб топди. У янги йил байрами арафасида банкка қорбобо кийимида «ташриф буюрди». Албатта, у банк ходимларига совғасалом улашгани йўқ, аксинча, қурол ўқталиб, пул талаб қилди. Ноилож қолган банк хизматчилари унинг айтганини бажаришди.

Мақсадига эришган Грегорий банкдан чиққач, велосипедини яшириб қўйган жойга борди-да, юзидаги ясама соқол ва эгнидаги кийимларни ечиб, бир четга улоқтирди. Сўнг у ҳеч нарса кўрмагандек, велосипедига ўтириб, уйига равона бўлди. Лекин узоққа кетолмади. Чунки ясама соқол ва тўнини ечиб ташлаган жиноятчи қорбобонинг шимини ечишни унутган экан. Аллақачон юз берган ўғирликдан хабар топган полициячилар унинг эгнидаги шимдан шубҳаланиб тўхтатишди.

Натижада Грегорий янги йилни уйида эмас, қамоқхонада кутиб оладиган бўлди.

Қамоқхонага олиб борувчи йўл

Агар «Гиннесснинг рекордлар китоби»га киритиш мумкин бўлса, Теннеси штатининг шарқий қисмида жойлашган «Грин-банк»ни энг кўп ўғирлик содир этилган, аммо бирор марта ҳам жиддий зарар кўрмаган банк сифатида қайд этиш мумкин. Чунки бу банкда ҳар йили ўн марталаб ўғирлик содир этилади. Лекин энг қизиғи, барча жиноятлар ўша куннинг ўзидаёқ фош қилинади.

«Грин-банк» аҳоли яшайдиган ҳудуддан анча узоқда, катта йўлнинг ёқасида жойлашган. Одатда, бу банкнинг хизматидан ҳайдовчи ва йўловчилар фойдаланишади. Айнан банкнинг «кўздан пана»да жойлашгани босқинчиларни ўзига жалб қилиб келади. Банк хизматчилари ҳам босқинчиларга ўрганиб қолишган, қанча талаб қилса, ўшанча пулни уларнинг қўлига тутқазишади. Кейин эса полицияга қўнғироқ қилишади. Фақат полицияга ўғрилар қайси томонга йўл олганини айтишса, бас. У ёғи хамирдан қил суғургандек оппа-осон якун топади.

Банк ходимларининг босқинчиларга қўрқмасдан «хизмат» кўрсатишларининг биринчи сабаби шундан иборатки, «Грин-банк» жойлашган ҳудудда автомашина ҳаракатланиши мумкин бўлган ягона йўл мавжуд. Иккинчи сабаби эса, полицияга ўғирлик ҳақида хабар берилганда, уларнинг шарққа ёки ғарбга қараб кетишгани ҳақида аниқ айтилса, бўлди. Полициячилар ўғриларни қувиб овора бўлиб ҳам юришмайди. Йўлни бекитишади-ю, кутиб ўтиришади. Босқинчилар эса, уларнинг олдига ўз оёғи билан келади. Шунинг учун ҳам полициячилар ўзаро ҳазиллашиб, «Грин-банк» ёнидан ўтувчи йўлни «қамоқхонага олиб борувчи йўл», деб аташади.

«Машина оламан, сотмайсизми?»

Бир бойвачча хоним полиция маҳкамасига мурожаат қиларкан, ҳозиргина қимматбаҳо машинасини олиб қочиб кетишганини айтди. Шундан сўнг полиция ходимлари ундан машинанинг ранги, русуми, ишлаб чиқарилган йили, давлат рақами ва бошқа алоҳида белгилари ҳақида сўраб-суриштира бошлашди. Буни қарангки, хоним ўзи миниб юрган машинанинг фақатгина русумини биларкан. У полиция ходимига машинасининг давлат рақамини турмуш ўртоғидан сўраб беришини айтиб, чўнтагига қўл солди-ю, яна додлаб юборди. Чунки у қимматбаҳо қўл телефонини ҳам машина салонида қолдирган экан.

Ана шунда ёшгина полиция ходимининг хаёлига ажойиб фикр келиб қолди. У хонимнинг телефон рақамини сўраб олиб, қўнғироқ қилди. У томондан жавоб бўлгач, полиция ходими газетада чоп этилган эълон бўйича телефон қилаётганини, анча пайтдан бери шу русумдаги машина харид қилиш ниятида пул жамғариб юрганини, агар келишишса, сотиб олиши мумкинлигини айтди.

Кутилмаган омаддан шошиб қолган жиноятчи ҳам дарров учрашишга розилик билдирди. Ҳар ҳолда ўғирланган машинани миниб юргандан кўра, сотиб қутулган яхши-да.

Хуллас, улар келишилган жойда учрашишди. Машина эгасига қайтарилди. Полициячининг хузурига ўз оёқлари билан келган жиноятчи эса, қўлга олинди.

Ҳазилкаш ҳайдовчи

Англиялик ҳайдовчи тезликни оширгани учун фоторадарга тушди. Маълумки, йўл четига ўрнатиладиган бундай радарлар қоида бузган машинани суратга туширади ва керакли жойга етказади. Тезлик белгиланганидан қанча оширилганига қараб, ҳайдовчига жарима тайинланади ва тўлов топшириқномаси почта орқали унинг яшаш манзилига жўнатилади.

Бу гал ҳам шундай бўлди. Йўл қоидасини бузган ҳайдовчининг яшаш манзилига полиция маҳкамасидан хабарнома келди. Унда кўрсатилишича, ҳайдовчи 40 фунт миқдорида жарима тўлаши лозим экан. Ўз машинасининг суратини томоша қилаётиб, ҳайдовчининг хаёлига полициячилар билан ҳазиллашиш фикри туғилди, шекилли, 40 фунт жариманинг ўрнига 40 фунтлик пулнинг суратини жўнатиб юборди.

Жавоб ҳам кўп куттирмади. Орадан икки кун ўтиб, у почта қутисини очиб қараса, яна полициядан хабарнома келибди. Лекин бу гал жарима ҳақида огоҳлантириш эмас, балки қўлга тақиладиган кишаннинг сурати! Суратни кўрган ҳайдовчи ўша куннинг ўзидаёқ белгиланган жаримани тўлаб қўйди.

Акс ҳолда, суратдаги кишан ҳақиқатга айланиши мумкин эди.

(Давоми бор)

Интернет материаллари асосида Сардорбек ҲАМРОЕВ тайёрлади.

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Айтинг-чи, холислар кимлар ва улар қандай пайтда чақирилади?

З.ҚАРШИЕВ,
Конимех тумани

— Жиноят-процессуал кодексининг 73-моддасида холислар ҳақида сўз юритилган ва холислар суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан тергов ёки бошқа ҳаракатлар ўтказилганини, уни ўтказиш жараёни ва натижаларини тасдиқлаш учун ушбу кодексда назарда тутилган холларда чақирилади.

Тергов ҳаракатларини юритишда иштирок этиш учун ишнинг оқибатидан манфаатдор бўлмаган, камида икки нафар вояга етган фуқаро чақирилиши лозим. Тергов ҳаракатини бошлашдан олдин суриштирувчи, терговчи ёки прокурор холисларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради.

* * *

— Айтинг-чи, алимент миқдорини ўзгартирса бўладими?

Ж.КОМИЛОВ,
Тошкент шаҳри

— Ҳа, амалдаги Оила кодексининг 146-моддасига асосан, алимент миқдори суд тартибида белгиланганидан кейин тарафлардан бирининг моддий ёки оилавий аҳволи ўзгарса, суд улардан ҳар бирининг талабига кўра алиментнинг белгиланган миқдорини ўзгартиришга ёки алимент тўлаши шарт бўлган шахсни алимент тўлашдан озод қилишга ҳақли. Алимент миқдорини ўзгартиришда ёки уни тўлашдан озод қилишда суд тарафларнинг эътиборга лойиқ бошқа манфаатларини ҳисобга олишга ҳақли.

Саволларга юридик фанлар номзоди С.НИЁЗОВА жавоб берди.

Jinoyat va jazo

Тинчлик ва осойишталик масъулияти

ҳар биримиздан тартиб-интизомга риоя этишни талаб қилади

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Бухоро вилоятининг Олот туманида яшовчи Бобошер Жаҳонгиров яхши ниятлар билан тўй бошлади (исм-фамилиялар шартли). У ўша куни ўғли Жавоҳирга келин тушираётган эди. Тўйхона чароғон. Тўй дастурхони ноз-неъматларга тўла. Меҳмону мезбонлар ўйнаб-кулган.

Хуллас, тўй авжига чиқиб, кўпчилик меҳмонлар рақс тушаётганда, тўйхонанинг ўртасида қий-чув бошланиб қолди.

Зудлик билан етиб келган тартиб посбонларининг саъй-ҳаракатлари билан жанжалга чек қўйилди. Шундай қилиб Б. Жаҳонгировнинг яхши ният билан бошлаган тўйи ичкилик сабаб дилхиралик билан якун топди.

Энди воқеанинг давомини эшитинг.

Тўйдаги жанжалда боши ёрилган Жўрақул Тошев тез ёрдамга мурожаат қилди. Шифохонада унга ётиб даволаниш зарурлигини айтишди. Унинг ўғли ва хотинига тиббий ёрдам кўрсатилиб, уйларига жўнатиб юборилди.

Тергов ва суд жараёнида аниқланишича, ўша куни спиртли ичимликдан тўйиб олган Р.Аннаев ва Б.Комилов тоғасининг тўйида хизмат қилиб юрган Ж.Тошевнинг ўғли Сарварни «югурдак», деб масхара қилишади. Биринчи гал С.Тошев улфатларнинг яхшигина отиб олганини кўриб, индамай ўтиб кетади. Унинг эътиборсизлиги икки улфатнинг ҳамиятига тегиб, меҳмонларга чой кўтариб ўтиб кетаётган йигитчани оёғидан чалиб юборишади. Албатта, шундан сўнг С.Тошевнинг ҳам асаби бузилиб, уларни тартибга чақиради. Ўзидан ёш йигитнинг ақл ўргатишидан жаҳли чиққан, қолаверса, керагидан ортиқча спиртли ичимлик истеъмол қилган Р.Аннаев кутилмаганда С.Тошевнинг юзига мушт туширади. Унга Б.Комилов қўшилади. Бу орада шу ердан ўтиб кетаётган С.Тошевнинг онаси Ҳамида Тошева ўғлини дўппослашаётганини кўриб, уларни ажратиб қўйишга ҳаракат қилади. Лекин ичкилик кўзини кўр қилиб қўйган улфатлар аёлни ҳам аяб ўтиришмайди. Энг ёмони, бу икки бадмастга уларнинг шишадош шериклари Ў.Алимов, О.Раҳимов ва Н.Ширинов ҳам қўшилади. Шу пайтда кимдир Сарварнинг отаси Ж.Тошевга хабар беради. Бироқ улфатларнинг қўлидан ўғлини ажратиб олиш ниятида орага кирган ота бошига келиб тушган шиша зарбидан ерга йиқилади. Унинг бошидан оқаётган қонни кўрган улфатлар жуфтакни ростлаб қолишади...

Тергов ва суд тергови давомида Р.Аннаев, Б.Комилов, Ў.Алимов, О.Раҳимов ва Н.Ширинов ва Н.Ширинов ва Н.Ширин